

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2020-yil 14-yanvar, seshanba 03 (9040)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.Қ.АБДУРАХМАНОВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Абдурахманов Шухратбек Кушақбаевич** Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ў.И.БАРНОЕВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Барноев Уктам Исоевич** Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Э.А.САЛИЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Салиев Эргаш Алибекович** Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

З.Т.МИРЗАЕВНИ ҚАШҚАДАРҒА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Қашқадарғо вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Мирзаев Зойир Тоирович** Қашқадарғо вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

К.Б.ТУРСУНОВНИ НАВОЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Турсунов Кобул Бекназарович** Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Х.Х.БОЗАРОВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Бозаров Хайрулло Хайитбаевич** Наманган вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОҒОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудофаа қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамоат тартибини сақлаш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малака ва маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун куйдагилар орден ва медаллар билан мукоғотлансин:

I даражали "Шон-шараф" ордени билан

Турдиев Алишер Талибович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари

II даражали "Шон-шараф" ордени билан

Бузуков Лутфулла Юсупович – Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ҳарбий округ кўшинлари кўмондони
Исмаилов Тимур Камалатдинович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқарма бошлиги
Мажидов Улугбек Абдувоҳидович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Рашидов Алишер Абдумажидович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиги
Тешабоев Мурод Ойқўжаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

"Дўстлик" ордени билан

Бя Юрий Ярославович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари
Захидов Абдурашул Абдусаттарович – "Discover Invest" масъулияти чекланган жамияти директори
Земсков Александр Юрьевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Мирвоҳитов Мирсаид Мирфатух ўғли – "Natural Houses" масъулияти чекланган жамияти директори
Мирғалиев Асхат Осатович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўқув маркази катта йўриқчи-

ўқитувчиси

Мирханов Умид Сапарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Тургунов Илхом Тургунович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиги

"Мардлик" ордени билан

Косимов Равшан Норқобилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Маматмусаев Мирзокул Мавлонқулович – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари
Отқўзиёв Шухратжон Нурмухаммадович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

Рахмонов Раҳматулло Бозорович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири
Собиров Ботиржон Зокирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

Тўраонов Қахрамонжон Эркинович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси бўлим бошлиги

Ҳакимов Рамазон Салимович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

"Жасорат" медали билан

Абдуллаев Азизжон Тоҳиржон ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Абдуллоев Салим Шокирович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Абидов Мурод Мирвахидович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси отряд командири

Алимов Шерзод Боходирович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси
Бурибаев Нурали Зулхайдарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

Дуланов Мирзохид Махамдалиевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

(Давоми 2-саҳифада)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС РАИСИ САЙЛАНДИ ҲАМДА ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ РАИСИ ТАЙИНЛАНДИ

2020 йил 13 январь кунини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сайловдан кейинги биринчи сессияси мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан Ернийязов Муса Тажетдинович Қо-

рақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти билан келишилган тақдирномасига биноан Сариев Қахрамон Раматуллаевич Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимига тайинланди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИНИ 2020 ЙИЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР МУҲОҚАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
13 январь кунини электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича жорий йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳоқамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Электр энергетикаси иқтисодий тараққиёт барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Бу тармоқни модернизация қилиш, энергия қувватларини қўлайтириш ва истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Уша йилнинг 27 мартдаги Президент қарорига асосан, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти ислоҳ қилиниб, унинг негизда "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятлари ташкил топди.

Ўтган йили мамлакатимизда 6 та йирик лойиҳа доирасида жами 1076 мегаватт электр энергия қувватлари ишга туширилди.

Жорий йилда электр энергияси истеъмоли 71 миллиард килловатт-соатни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўртача 9 фоизга, яъни, иқтисодий тармоқлари талаби 10, аҳолиники эса 8,5 фоизга ошиши кутилмоқда.

Йиғилишда ушбу эҳтиёж қайси манбалар ҳисобидан қопланиши, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Йул харитаси" ижроси муҳоқама қилинди.

Президентимиз 2020 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб бериш бўйича белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ, сифатли амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда иссиқлик электр станцияларида 1177 мегаватт, гидро электр станцияларида 120 мегаватт қўшимча қувватлар ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 3 минг 500 мегаваттлик буг-газ қурилмалари, 400 мегаваттлик шамол ва шунча қувватга эга қуёш электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар шакллантирилган.

Йиғилишда тармоқ корхоналарида рентабелликни таъминлаш, энергия истеъмоли учун қарздорликни бартараф этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими бу борада яхши самара бераётгани кайд этилиб, "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятига йил якунига қадар яна 4 миллион 500 минг донга замонавий ҳисоблагич ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб беришда йўқотишларни камайтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, бу бўйича мутасаддиларга муҳим топшириқлар берди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ҳарбийларга янги уй-жойлар топширилди

Навоий шаҳрининг 18-кичик туманида Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ташкил топганлигининг 28 йиллиги муносабати билан Давлат хавфсизлик хизмати, ИИБ, Миллий гвардия ҳамда Мудофаа вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимлар оилалари учун 6 та 5 қаватли, жами 180 хонадонли уй-жойлар тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

Эътироф этиш жоизки, умумий қиймати 23 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига бунёд этилган маъзур хонадонларда уй эгалари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Вилоятда 2018 йил давомида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари учун умумий қиймати салкам 30 миллиард сўм бўлган 8 та 5 қаватли, жами 240 хонадонли турар-жой бинолари қад ростлаган эди.

Ўтган йилда ҳам соҳа ходимла-

рини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ва хайрли ишлар изчиллик билан давом эттирилди. Бу каби эътибор ва рағбат эса шарафли ва масъулиятли соҳа эгаларини янги-янги марралар сари илҳомлантиради, Ватан ҳимояси йўлидаги фидокорона хизматларига куч-шижоат бағишлайди.

Тадбирда вилоят ҳокими Қ.Турсунов иштирок этди ва нутқ сўзлади. **Отабек АСЛОНОВ**, "Qishloq hayoti" мухбири.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Э.О.ТУРДИМОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ Турдимов Эркинжон Оқбутаевич Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ғ.Ғ.МИРЗАЕВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ Мирзаев Ғофуржон Ғаниевич Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Т.А.БОБОЛОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ Боболов Тўра Абдиевич Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.Қ.ХОЛМАТОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ Холматов Рустам Курбонназарович Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.М.ГАНИЕВНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ Ганиев Шухрат Мадаминович Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ф.У.ЭРМАНОВНИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ Эрманов Фарход Уразбоевич Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ж.А.Артиқходжаевни Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ Артиқходжаев Жaxonгир Абидович Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Жабборов Жаҳонгир Сотиболдиевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Жалилов Жамшид Норкузиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

Жураев Ахрол Ахатуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Исматуллаев Барҳаёт Сойибович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

Игиталиев Ойбек Аскаралиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командири

Игиталиев Шокиржон Зухриддин ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

Мунтурганов Байрамбек Женисбаевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

Норалиев Журабек Эралиевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Ражабалиев Санжар Эшмуродович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бўлим бошлиғи

Рахмонов Хусен Искандарович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги отряд командирининг биринчи ўринбосари

Сидиков Ғолибжон Раҳимбердиевич – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командири

Умурзаков Журабек Набижонович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Хожиматов Мадёрбек Турсунбоевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Хўжаев Дадаҳон Илҳомович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бошқармаси сафдор ходими

Юсупов Мухтар Бекчанович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғи

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Абдурахманов Яхё Хусанович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бошқармаси бошлиғи

Абдухамидов Мадаминжон Мухаммадҷонович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби штаб бошлигининг ўринбосари

Авезбердиев Дилшод Реджабаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Адизов Зоҳид Рашидович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Азимов Ихволжон Омонбаевич – Фарғона вилояти Божхона бошқармаси бошлиғи

Асфандияров Рамил Рустамович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хизмат бошлиғи

Ахмадалиев Рашид Мусинович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедра бошлиғи

Ахмедов Зафаржон Азамович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Балхиев Нуриддин Исамитдинович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Фориш тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Бобоназаров Бекзод Бахтиёрвич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони командири

Бозоров Уктам Турмухаммадович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси катта офицери

Бозоров Эрали Хабибуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Гуломов Фахриддин Шакирович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги “Хавфсиз дарё” давлат унитар корхонаси бошлиғи

Ибрагимов Искандар Икромович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси батальони командири

Исаев Баходир Усманович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Кадирос Камил Шамильевич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошқармаси бошлиғи

Кадилов Шаухат Жанабаевич – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

Касимов Гайрат Ташкенбекович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси “Динамо” жисмоний тарбия-спорт жамияти раисининг ўринбосари

Кодиров Хотам Шакирович – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси бошлигининг иккинчи минтақавий худуд бўйича вакили

Кудратов Уктам Гофурович – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси бошлигининг ўринбосари

Мамарасулов Равшан Рустамович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат қўмитаси “Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи” давлат корхонаси директорининг ўринбосари – бош муҳандиси

Мўйдинов Алижон Ахмадҷонович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тезкор гуруҳи взводи командирининг ёрдамчиси

Норматов Муродбек Ибайдуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Палванов Шакир Базарбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм лаборатория катта лаборанти

Расулов Хусниддин Холмуродович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири – қоровул бошлиғи

Раҳманов Хондамир Парманкулович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиғи

Раҳматов Дусёр Джалолович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

Реймов Максетбай Жолдасбаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

Тўраев Зафаржон Турсунўлатович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти бошлигининг биринчи ўринбосари

Турсунов Кодиржон Мухаммадҷонович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедраси бошлиғи

Тухтасинов Икболжон Иномҷонович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро аэропортларда хавфсизлигини таъминлаш қўшинлари алоҳида батальони командири

Хабиев Илдар Рашидович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Хамроев Бахшилло Ғайбуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

Хамроев Камолжон Каримович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Бухоро вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ғиждувон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

Хусенов Хамза Исмоилович – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси Пешку тумани бўлими профилактика катта инспектори

Юлдашев Исмоилжон Жураевич – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти кафедраси профессори

“Шухрат” медали билан

Абдуқаҳаров Қобулжон Абдуғопур ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

Аллаберганов Махсуд Жуманязович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Хоразм вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув қисми бошлиғи

Алметов Шеразд Болтабаевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бош инспектори

Астанқулов Отабек Тоҳирович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мобил бошқарув пункти катта техникчи

Ачилов Мансур Сувонбоевич – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

Бекмурзаев Акмал Абдуалиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

Бобомуратов Зоҳиджон Закирович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хоразм вилояти бўйича бошқармаси отряд командири

Вахидов Абдуқадир Исакович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

Жонқобилов Акмал Файзуллаевич – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

Исаков Элмуроджон Изатилло ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

Исматов Икромжон Парпиевич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бўлими бошлиғи

Курбанов Баҳром Фазлитдинович – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Матякубова Агата Рустамовна – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди командири

Машарипов Рўзбой Раҳимович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хоразм академик лицейи директори

Мирзаев Шаҳбоз Шавкатҷонович – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

Мухторов Илхом Мухторович – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси бошлиғи

Раҳматов Баҳодир Эсиргапович – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Раҳматов Мирзохид Холтураевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи қоровул бошлиғи

Раҳмонов Нурзодбек Эргашбоевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

Салаев Хамза Аббазович – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи

Санаев Шухрат Музаффарович – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

Саттаров Азизбек Тоирович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус муҳандис-қўриқлаш бошқармаси батальони командири

Сулайманов Зафарбек Саҳижонович – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлими командири

Танимова Гоззал Мауленбергеновна – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи офицери

Ташев Жасурбек Хакбердиевич – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Тожибоев Диёрбек Еркинвич – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби маркази бошлиғи

Туев Исроил Исмоилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

Убайдуллаҳужаева Ойдиной Хамидуллаевна – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм маркази мутахассиси

Усманов Александр Раҳимович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими мутахассиси

Хайдаров Абдуғаффор Маждович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

Халимов Эркин Халилович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедраси доценти

Шарипов Алишер Абдунабиевич – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими бошлиғи

Элмуродов Бекзод Тоштемирович – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчи-йўриқчиси

Эшонқулов Одил Алламуратович – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази катта йўриқчиси

Юсупов Саиджон Нематович – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 10 январь

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИНИ 2020 ЙИЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Соҳадаги ислохотларнинг кейинги босқичида электр энергиясининг рақобатли улгуржи бозорини шакллантириш, генерация жараёнига давлат-хусусий шериклик тамойили асосида инвесторларни жалб қилиш ва бунда давлат улушини босқич-ма-босқич камайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳани ривожлантиришнинг узоқ истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб юртимизда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши кутулкида. Шу боис Энергетика вазирлигига кейинги ўн йилда умумий қуввати 7 минг 900 мегаватт бўлган янги иссиқлик электр

станцияларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, инвесторларни жалб қилган ҳолда, 8 минг мегаватт қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, гидро электр станциялари қувватини 1 минг 935 мегаваттга ошириш, кичик гидро электр станциялар барпо этишни хусусий секторга бериш юзасидан

вазифалар белгиланди. Мутасадди ташкилотларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда электр энергияси соҳасида замонавий технологиялар билан бевосита ишлайдиган ўрта ва кичик бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа корхоналари раҳбарлари ҳисобот берди, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎЗА


Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев тизимда меҳнат қилаётган ёшлар билан аудиоселектор орқали очик мулоқот ўтказди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 декабрда пойтахтимиздаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказган учрашуви мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолиши шубҳасиз. Учрашувда ёшлар ҳаётидаги муаммолар, долзарб вазифалар муҳокама қилинди, бугунги кунда уларни қийнаётган энг муҳим масалаларнинг ечимини топиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.



Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев:

“ЭШИГИМ ЁШЛАР УЧУН ҲАМИША ОЧИК”

— Президентимизнинг “Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурашимиз”, “2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади”, деган сўзлари, мен ўйлайман, барча ёшларни, йигит-қизларимизни руҳлантирди, шу билан бирга уларда катта масъулият ҳиссини ҳам уйғотди, — деди мулоқот чоғида Ш.Хамраев.



Бугунги кунда Сув хўжалиги вазирлиги тизимида 32 мингдан зиёд ходим меҳнат қилади. Уларнинг уч ярим мингдан кўпрогини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Ўтган 2019 йилда олий таълим муассасаларини ирригация ва мелиорация йўналиши бўйича тамомлаган 500 нафардан ортик ёш кадрлар ишга олинди. Уларнинг ишни пухта ўрганиши, соҳага кўникиб кетиши тизимдаги ҳар бир раҳбар олдида масъулият этиб белгиланди.

Жумладан, тизимда ишлаётган ҳар бир ёшни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиб, ойлик маоши ва моддий рағбатлантиришлардан ташқари, 2019 йил кузида сув хўжалиги ходимларининг ўзлари ёрдамчи хўжаликларидан етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобидан барча

ходимлар қатори ёшларга 2 миллион сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

Бу каби ишлар жорий ва ундан кейинги йилларда ҳам давом этади. Ҳозирда сув хўжалиги тизимида олий маълумотли кадрлар 42 фоизни ташкил этаётган бўлса, 2030 йилгача уларнинг сони 65 фоизга етказилади.

Вазирлик тизимида 5 йилдан

ортиқ фаолият юритаётган, ўрта махсус маълумотга эга бўлган, фаол ва ташаббускор 35 ёшгача бўлган 100 нафар ёшларга олий таълим муассасаларининг сиртқи бўлимларига имтиёзли кириш бўйича тавсиянома берилди. Ҳозирда улар ҳам ишлаб, ҳам сиртдан ўқияпти.

Шу билан бирга, кўплаб ёшлар Япония, Жанубий Корея,

Германия, Австралия каби хорижий мамлакатларда малака ошириб келди.

2020 йилдан Сув хўжалиги вазирлигида янги тажриба йўлга қўйилади. Тизимда ишлаётган ёшлар гуруҳлар асосида бошқа вилоятлардаги турдош ташкилотларда тажриба ўрганишга жўнатилади. Улар ҳам иш ўрганади, ҳам тенгдошлари билан танишади, шу билан бирга ўша ҳудуднинг сув иншоотларини, тарихий ва маданий обидаларини, зиёратгоҳларини бориб кўради. Ҳам билим ортиради, ҳам дунёқараши кенгайди.

Шу билан бирга, ёшлар ёрдамчи хўжаликларидан меҳнатга жалб қилиниб, улар учун қўшимча даромад манбаи яратилади.

Ғайратли ёшлар ишдан бўш вақтларида мева-сабзавот, полиз экинларини етиштириди, парранда, балиқ, қуён боқади, шунга яраша даромад ортиради.

Мулоқот чоғида вазир эшигим ёшлар учун ҳамиша очик, таклиф ёки муаммолари билан келган ёшларни қабул қилишга, уларнинг ташаббус ва гоёларини қўллаб-қувватлашга доим тайёрман, дея таъкидлади.

Очик ва самимий руҳда ўтган мулоқот чоғида ёшлар сўзга чиқиб, ўз таклифларини, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Хусусан, китобхонлики тарғиб этиш, чет тилларни ўрганиш, тизим ташкилотларидаги ёшлар ўртасида ижодий-интеллектуал танловлар ўтказиш, спорт мусобақаларини уюштириш каби таклифлар қабул қилиниб, уларни амалга ошириш юзасидан масъулларга тегишли топшириқ берилди.

Сув хўжалиги вазири ва ўринбосарларининг тизим ташкилотларидаги ёшлар билан учрашув ўтказиш жадвали тасдиқланган бўлиб, жорий йил 20 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ана шундай мулоқотлар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Матбуот хизмати.

Ўзбекистон Буюк Британиянинг “Экономист” журнали томонидан ўтказилган сўровномада “Йил мамлақати” дея эътироф этилди. Ушбу сўровнома ғолиби қайси мезонларга асосан танланганлиги нашрнинг расмий веб-сайтида изоҳланди.

“Ўзагросуғурта” АЖ:

ЁШ КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Унга кўра, сўнгги уч йилда сўз ва матбуот эркинлигига оид силжишлар, мажбурий ва болалар меҳнатидан воз кечилганлиги, умуман, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида бу йил энг узоқ масофани босиб ўтган мамлакат сифатида таъкидланади. Бунга мисол қилиб “Жаслик” қамоқхонасининг ёпилишини келтириш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақада қўшничилик муносабатларини тиклашда кўрсатган сиёсий иродаси, яқинда ўтказилган сайловларнинг демократик ва шаффоф ташкил этилганлиги, муҳими, амалдаги партиялар республика Президентининг ислохотларига хайрихоҳлиги Ўзбекистоннинг асосий ютуғи, дея таърифланади.

Яна бир мисол. Ўзбекистон Жаҳон банкининг “Бизнес юрти” рейтингига бир неча поғона юқорилади. Буни йил давомида келаётган инвестициялар оқимида ҳам кўриш мумкин. Президентимиз ўтган йилдаги сўнгги йилдаги хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш борасидаги камчиликлар ва келгуси йилда чет эл инвестицияларини ўзлаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш борасидаги зарур вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Бу натижалар албатта, кўплаб соҳаларда ёш кадрларнинг жалб этилганлиги билан боғлиқдир.

Дарҳақиқат, ёшлар, уларни қийнаётган муаммолар бугун давлат миқёсидаги долзарб масалага айланган. Хусусан, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар, арзон уй-жойлар ва янги иш ўринларини яратиш шул ар ташаббусдорлар.

Президентимиз Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувда ҳам айнан ёшлар масалалари юзасидан муҳим маълумотларни қайд этиб, таклиф ва тавсиялар берди. Мисол учун, юртимизда ёш раҳбарларни саралайдиган, уларнинг лаёқатига мос лавозимларни таклиф этадиган самарали механизм мавжуд эмаслиги, беш ташаббуснинг ҳар бир йўналишини туман ва шаҳарларда тизимли амалга ошириш зарурлиги таъкидланди ҳамда Ёшлар ишлари агентлигини ташкил этиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Негаки, ҳозирда ёшлар муаммоси энг муҳим ва бирламчи масалага айланган бўлмоқда. Шуниси аниқки, бунда барча соҳа вакиллари тенг масъулдир. Яъни, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғига оид масалалар билан шугулланиш фақатгина Ёшлар агентлигига юкланмаслиги лозим.

Давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланган устувор вазифаларга мос равишда “Ўзагросуғурта” АЖ жамоаси ўз тизимида ёш кадрларни кўпайтириш, уларнинг касбий салоҳияти ва малакасини ошириш, шунингдек, соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг оилавий ҳолатини таҳлил этиш, уларга моддий-маънавий қўмаклашиш мақсадида тизимли ишларни амалга оширишни мўлжалламоқда. Жумладан, соҳада самарали меҳнат қилаётган ёш, ўрта махсус таълим мутахассислигидаги ходимларни олий таълим муассасаларидаги “Суғурта иши” таълим йўналишида ўқитишдир. Бундан ташқари, ёш ходимлар ўртасида спортни тарғиб қилиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида спортнинг минни футбол ҳамда бошқа турлари билан мунтазам равишда шугулланишини таъминлаш ҳамда уларни хориж мамлакатларига тажриба ошириш учун юбориш режалаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда жадал ислохотларни самарали амалга оширишда ёш, билимли кадрлар тайёрлаш энг устувор аҳамият касб этади. Уларнинг кўникмаси ва салоҳиятини ривожлантиришга ажратилган сармоя келажак пойдеворимиз мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилади.

Шухрат ҚОБИЛОВ,

“Ўзагросуғурта” АЖ Бошқаруви раисининг матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Сирдарё вилояти

Президентимизнинг ташаббуси билан “Ховос сити” қурилиши бошланганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлсада, Ховос шаҳарчаси аллақачон кўркам ва замонавий шаҳар қиёфасига кирди. Бугун Ховос шаҳрини кўрган ҳар бир инсоннинг ҳаваси келади.

“Ховос сити”да Ховоснинг янги тарихи яратилмоқда

— Бор-йўғи, бундан тўққиз ой аввал ташландик бўлиб ётган ерлар кўз очиб юмгунча бу қадар кўркамлашиб кетиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди, — дейди Ховос туманида яшовчи меҳнат фахрийси Анвар Файзиев. — Бу бунёдкорликни катта бир мўъжизага қиёшлаш мумкин. Кун сайин ўзгариб бораётган Ховоснинг ободлиги — янги мухташам уйлар, равон кўчалар, аҳоли фаровон яшаши учун яратилаётган кўплаб қулайликлар барчамизни шодлантирмоқда. Бугун ховосликлар ҳақли равишда “Ховосим менинг — ҳавасим менинг” деб гурурланмоқда.

Лойиҳалаштирилган 30 та 900 хонадонли, 5 қаватли уйлар деярли қуриб битказилди. Қолаверса, 2019 йил сўнггида 150 та ҳовили уй қурилиши ҳам ниҳоясига етказилди. Ушбу уйларнинг 50 таси 4 со-тихли ҳовли бўлиб, уларни кам таъминланган ҳамда кўмакка муҳтож оилаларга тақдим этилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, “Ховос сити”да 315 ўринли замонавий мактаб ҳам қуриб битказилди. Демак, янги уйга кўчб ўтганларнинг фарзандлари учун аввалдан таълим даргоҳи тахт қилиб қўйилди. Шу билан бирга, 160 ўринли мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриш бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Ховос тумани ҳокими Раҳимжон Бобоевнинг айтишича, бу ерда юқоридеги қурилиш ишларидан ташқари аҳоли ва меҳмонлар учун ҳам кўплаб қулайликлар яратиш белгиланган. “Ховос сити”да маъмурий бинолар қурилиши ҳам жадал давом эттирилмоқда. Ҳозиргача туман меҳнат ва бандликка қўмаклашиш маркази биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туман ҳокимлиги, давлат хизматлари агентлиги, ер тузиш ва кўчас маълумот кадастри, ички ишлар маъмурий бўлими, туман ҳокимлиги, давлат солиқ инспекцияси ҳамда газ ва электр таъминоти корхоналари каби ташкилотларнинг янги бинолари қурилиши якунига етказилмоқда.

“Ховос сити”даги янги бунёдкорликларга уйғун равишда “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйларни мукамал таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди. Яна “Истиқлол”, “Тинчлик” ва “Дўстлик” маҳаллаларида шундай турар жойларни таъмирлаш қизғин давом эттирилмоқда. Эски Ховос шаҳарчасидаги “Барак”ларда истиқомат қилаётган оилалар янги уйларга кўчб ўтган, бу иморатлар ўрнида ҳам замонавий меъморий ечимга эга кўпқаватли уйлар қурилиши бошлаб юборилди. Айтиш жоизки, “Ховос сити”нинг қурилиш лойиҳалари етук, малакали мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган.

Айни чоғда олиб борилаётган қурилиш, ободонлаштириш ва кўла-мазорлаштириш ишлари ҳадемай мамлакатимизда кўз-кўз қилса арзийдиган яна бир намунали, замонавий, гўзал манзил бунёд бўлаётганидан дарак беради. Бир сўз билан айтганда, қадимий Ховоснинг янги тарихи яратилмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Миллий кутубхона фонди янги адабиётлар билан бойиди

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази томонидан тақдим этилган китобларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази билан ШХТга аъзо давлатлар жамоат ташкилотлари ўртасида кўп ва икки томонлама алоқалар изчил ривожлани-ётгани, жумладан, Хитойнинг яқин қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик қўмитаси билан ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани қайд этилди. Кутубхонага тақдим этилган китоб ва рисо-

лар кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган. — Бу китоблар ўқувчиларга Хитой ўлтими, маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконини беради, — деди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Су Лэй. — Қолаверса, бундай ҳамкорлик халқларимиз ўртасида яқин қўшничилик, дўст-она алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбир якунида Ўзбекистон Миллий кутубхо-наси фондини ШХТга аъзо давлатларнинг адабий нашрлари билан тўлдирishi бўйича ҳамкорлик келгусида ҳам давом этиши таъкидланди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Фарғонада йирик цемент заводи ишга тушди

Фарғона вилояти Бешариқ туманида цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Фарғона Ясин қурилиш моллари” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг биринчи босқич лойиҳаси ишга туширилди.

Мамлакатимизда инвестиция муҳити яхшилангани натижаида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри сармоялар фаол кириб келмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида ҳудудий лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш ва ижросини таъминлаш борасида ишлар самарасида энг чекка ҳудудларда ҳам янги корхоналар ташкил этиляпти. Асосийси, хорижий инвесторлар ҳамкорликда истиқболли лойиҳа-

ларни амалга оширишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Мазкур йирик цемент заводи қурилиши инвестицион лойиҳаси ҳам ана шулардан биридир. Қўшма корхона “Great Amixan oil” масъулияти чекланган жамияти ва Хитойнинг “Shanxi Xiangsheng” компанияси томонидан бунёд этилди.

Қўшма корхонанинг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев сўзга чиқиб, Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг кўла-



касб этиб, ҳудудлараро алоқалар йўлга қўйилаётганлигини таъкидлади. “Shanxi Xiangsheng” компаниясининг мазкур лойиҳаси ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

— Бир ярим йил ичида бу ерда хитойлик инвесторларимиз билан биргаликда кенг кўламли ишлар бажарилди, — дейди “Фарғона Ясин қурилиш моллари” қўшма корхонаси директори ўринбосари Эркинжон Маҳмудов. — Замонавий технологиялар ишлаб чиқаришга жорий этилиб, лойиҳанинг биринчи босқичи ишга тушди. Бу ерда бир кунда 2 минг 500 тонна сифатли цемент ишлаб чиқариш имкони бор. Бугун ишга туширилган йирик цемент заводи нафақат вилоят, балки, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутishi шубҳасиз. Лойиҳанинг биринчи босқичида 113 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 300 нафар

ёшлар иш билан таъминланди.

Ушбу инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун айнан мазкур ҳудуд танлангани бежиз эмас. Бу ерда улкан хом ашё захирасига эга цемент, оҳақтош ва тупроқ (глина) конлари мавжуд. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 200 миллион долларни ташкил этиб, корхонада йилга 2 миллион тонна сифатли цемент ишлаб чиқарилади. Лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга тушган, 700 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланади.

Корхонада ишлаб чиқариладиган юқори сифатли цемент маҳсулотлари нафақат ички бозорда сотилади, балки, унинг маълум қисми экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда.

Фарғона вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати.
Суратлар муаллифи М.ҚОДИРОВ

Наманган вилояти

Етти йилдирки, “Энг намунали минтақавий кенгаш” республика танлови ғолиблигини қўлда сақлаб келаётган Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Наманган вилояти кенгаши жамоаси ўтган йилни ҳам юқори натижалар билан яқунлади.

Эришилаётган ютуқларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш йўлида вилоят ҳокимлиги бошчилигида ҳамкор ва жамоатчилик ташкилотлари билан амалга оширилаётган тадбирлар аҳамияти катта бўлмоқда. Айниқса, кенгаш тасарруфидаги 12 та ўқув спорт-техника клуби ва вилоят техник ва амалий спорт турлари марказидаги раҳбар ва мутахассисларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашаётганликлари ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

2019 йил мобайнида автотранспорт воситалари ҳайдовчилари, оммавий техник касб мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилгани ҳам бунга яққол мисол-

Ватан ҳимоячилари кунини муносиб нишонланмоқда



дир. Наманганда республикада биринчилардан бўлиб Низом талаблари асосида янги инновацион ғоялар ва технологиялар билан жиҳозланган ўқув зали ишга туширилди. Поп туманида парашютдан сакраш майдони, Учқўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой туманларида ҳам катта ҳажмда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва 27 донга транспорт харид қилинди. “Ласетти” русумли энгил автомашинасини ва “Исузи” автобусининг қирқимли макетлари, “SMART BOARD M-600” русумли интерактив анимацион доскалар, автотренажёрлар билан таъминланди. Айни кунларда вилоятда “Модельчилик”, “Радиоспорт”, “Картинг”,

“Автоспорт”, “Мотоспорт”, “Ҳаво милтиғидан ўқ отиш”, “Триатлон”, “Ёзги биатлон”, “Дуатлон” ва “Ҳарбий амалий кўпкураш” спорт турлари бўйича тўғараклар фаолият кўрсатмоқда.

– 2019 йилда республика миқёсида ўтказилган Ўзбекистон кубоги ва биринчиликларида етти бор биринчи, беш бор иккинчи, олти марта учинчи ўринни эгаладик. Жорий йилнинг 12-25 сентябрь кунлари Қозоғистоннинг Байканур шаҳрида “Ракетамодель” спорти бўйича ўтказилган “Байканур 2019” халқаро мусобақасида республика шарафи учун кураш олиб борган вилоят спортчилари фахрли биринчи ўринни эгаллаб, Жаҳон кубоги

билан қайтди, – дейди фахр билан вилоят кенгаши раиси Аҳмаджон Алаходжаев.

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини муносибати билан юздан ортиқ маънавий-маърифий кечалар ташкил этилди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, таниқли ижодкорлар, санъаткор ва спортчилар иштирокида “Уч авлод учрашувлари”, мусобақалар ўтказилди. Уруш, меҳнат, “Ватанпарвар” ташкилоти фахрийлари, мустақиллик даврида хизмат бурчини ўташ вақтида вафот этган ҳарбийлар, ички ишлар ҳодимларининг оиласидан хабар олинди. Анъанага айланиб қолган ҳаво милтиғидан ўқ отиш бўйича вилоят ҳокимининг соврини учун ўтказилган мусобақа бу гал ҳам қизгин курашлар остида ўтди. Ўзбекистон байроғи ва шiorлар билан безатилган 15 та автомобиль қарвони Наманган шаҳри ва Чортоқ, Янгиқўрғон, Косонсой туманларини бирлаштирувчи 102 километрлик автотурнини ниҳоясига етказди. Автомашиналар ўриндиқларидан жой олган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, кенг жамоатчилик вакиллари, илғор ёшлар шаҳар, қишлоқ, хонадонларда байрам муносибати билан ташкил қилинган тадбирларда фаол қатнашиб, давраларга янада кўтаринчилик бахш этди.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

“Бир мард ҳарбийнинг онаси эканимдан гурурданаман”

Кутлуғжон мактабни тамомлаб, Бахмал тумани мудофаа ишлари бўлимига қарашли мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти қошидаги ўқув курсига қатнай бошлади. Машғулотлар давомида ўз қизиқлиги ва изланувчанлиги ҳамда намунали хулқи билан тенгдошларига ўрнак бўлди. Чегара қўшинларида муддатли ҳарбий хизматни ўтагач, у юрак амрига бўйсинди – ишни миллий армиямиз сафида шартнома асосида давом эттирди.

2008 йилнинг кузи, Кутлуғжон ўзига билдирилган ишончни сикидилдан адо этиш асосида ноқонуний йўллар билан юртимиз чегараларини бузиб киришга уринган жиноятчиларга қаршилик кўрсатди. Қонунбузарлар қўлга олинди. Афсуски, уларни зарарсизлантириш чоғида Кутлуғжон қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Мард ва жасур посбон Кутлуғжон Раҳмонов 2009 йил 14 январда Биринчи Президентимиз Фармонига кўра вафотидан кейин “Жасорат” медали билан тақдирланди. Кейинчалик унинг номини абадийлаштириш мақсадида ўзи туғилиб, вояга етган маҳалласи “Кутлуғжон” деб номлангани эса яқинларини янада мамнун этди.

Тог бағридаги мўъжазгина уйдан Кутлуғжоннинг синфдош ўртоқлари ва қадрдонларининг қадами узилмайди. Улар Шоира аяни ёлғизлатмай, ҳам маънавий, ҳам моддий томондан кўмаклашиб, юмушларига ёрдамлашади. Қўни-қўшнилари, мактаб ўқувчилари ҳам бу ерга тез-тез келиб туришади. Болалар худди Кутлуғжон акаси сингари мард ва жасур йигит бўлиб улғайишни истайди.

Бахмал туманидаги 3-умумтаълим мактабида Кутлуғжон Раҳмонов хотирасига бағишлаб бурчак ташкил этилган. Кези келганда айтиш лозимки, Кутлуғжоннинг ота-онаси Абдуманноп ака ва Шоира опа узоқ йиллар ёш авлодга таълим-тарбия беришган, эл-юрт фаровонлиги йў-

лида хизмат қилишган.

– Фарзандимиз Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи эканлигини жуда эрта англаб етганди, – дейди Шоира Раҳмонова. – У дарсдан бўш вақтлари ҳарбийлар, айниқса, чегара посбонлари ҳақидаги бадиий китобларни ўқиб, фильмларни томоша қилар ва суратлар чизарди. Гарчи бугун у орамизда жисман бўлмаса-да, бир мард ҳарбийнинг онаси эканимдан гурурланаман.

Айни кунда ўқув даргоҳида ташкил этилган бурчакда қисм чегара қўшинлари ҳаётини акс эттирувчи стенд, буклет ва кўплаб фотосуратлар мавжуд. Йигирма олти йил умр кўрган жасур посбоннинг онасига йўллаган самимий мактублари ҳам шу жойда сақланади.

Шуниси характерлики, ўқув даргоҳида айни кунларда давом этаётган “Ватанпарварлик” ойлги ҳам намунали ўтказилмоқда. Жумладан, “Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати” мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда юқори синф ўқувчилари Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқатини мадҳ этувчи куй-қўшиқларни намойиш қилдилар.

Абдулла САИДОВ

Эълонлар

| № | Стир | Корхона номи |
|---|-----------|--------------------------|
| 1 | 302964215 | SWEET TOOTH MCHJ |
| 2 | 301539774 | DILSHOD AVTO SERVIS MCHJ |
| 3 | 301324648 | GRAND BLISS MCHJ |
| 4 | 306183092 | OOO «FLY AWAY TRAVEL» |
| 5 | 302951571 | LUXE VISION |
| 6 | 305604880 | ЧП «SALES LINE» |
| 7 | 304151102 | OOO «ASADBEK-AZIZA FARM» |

“Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳри, бурчакли тамгаси, корхона рўйхатидан ўтган таъсис ҳужжатлари ва Давлат рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, низоми, таъсис ҳужжатлари ва рухсат берувчи гувоҳномалар бекор қилинади”. Корхонанинг дебитор кредиторлари даъволари бир ой муддат мобайнида Тошкент шаҳар Олмасзор тумани, Қорасарой кўчаси 269-уй манзил бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: (78) 140-94-27, (78) 140-94-97, (71) 228-05-15. Ишонч телефони: (71) 228-05-15.

CAMEL GROUP – UZBEKISTAN BATTERY CO., LTD. МЧЖ Устав фондини 126 047 850 000 (150 000 000 АҚШ доллари) сўмдан 24 244 278 000 (2 550 000 АҚШ доллари) сўмга камайтирилиши муносибати билан барча кредиторларни бу ҳақида хабардор этади.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ахтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимкул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорағалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03
Бухоро – (+99891) 401-29-59
Жиззах – (+99893) 940-10-78
Навоий – (+99891) 332-50-99
Наманган – (+99893) 948-53-86
Фарғона – (+99890) 407-76-03
Самарқанд – (+99893) 349-54-39
Сирдарё – (+99894) 168-23-60
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05
Тошкент – (+99890) 976-39-58
Хоразм – (+99897) 790-47-61
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-125, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қроғ бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририятининг ўзидa компьютерда терилди ва

дизайнер Марис ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

4 951 нусхада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ – 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 04.10

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А. ҲАҚБЕРДИЕВ